



2020 йил « 13 » январь

№ 31-к

Тойлоқ ш. – г. Тойляк

Туман ҳокимлиги захира ерлари ҳисобидан Нурли йўл маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Жабборов Мавлон бошлиқ фермер хўжалиқ ташкил қилиш ҳамда ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4005-сонли “Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш, Адлия вазирлигидан 2005 йил 19 ноябрда 1523-сон билан Давлат рўйхатидан ўтказилган “Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов қолибини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низом, туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олинган ер майдонлари бўйича фермер хўжалиқлари ташкил қилиш учун танлов ўтказиш комиссиясининг 2020 йил 7 январдаги 1-сонли йиғилиш баённомасига мувофиқ “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1.Туман ҳокимлиги захирасига олинган ер майдонларида танлов асосида фермер хўжалиқлари ташкил этиш комиссияси томонидан ўтказилган танлов қарорига асосан танловда қолиб деб эълон қилинган Нурли йўл маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Жабборов Мавлонга балиқчилик йуналишида янгидан ташкил этилаётган фермер хўжалигига Бахштепа массиви ердан фойдаланиш харитасининг 212-контуридан жами 1.0 гектар ер майдони 37 (ўттиз етти) йил муддатга ижарага берилсин.

2.Белгилаб қўйилсинким, келажакда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида давлат эҳтиёжи учун манзилли дастурларни ижросини таъминлаш белгиланганда узок муддатли ижара шартномасига тегишли ўзгартириш киритилиши кўрсатиб ўтилсин.

3.Туман Давлат хизматлар маркази (З.Нуриддинов)га фермер хўжалиқ Низомини қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олиш ва бу ҳақида тегишли ташкилотларга маълумот бериш топширилсин.

4.Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Ж.Ҳайитов)га Нурли йўл маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Жабборов Мавлонга бошлиқ фермер хўжалигига ер майдонини ажратиб бериш, фермер хўжалигига тегишли ҳужжатлар расмийлаштириш ва уни фаоллигини, ажратилган ер участкасидан тўғри мақсадда фойдаланишни назорат қилиб бориш ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 53-моддасида кўрсатилган талабларни бажарилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5.Туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи (Ш.Шаринов)га фуқаро Жабборов Мавлонга бошлиқ фермер хўжалигига бюджет билан бўлган ҳисоб китобларни белгилаб бериш ва қонунда белгиланган тартибда солиқ ундирилишини назоратга олиш юклатилсин.

6.Ушбу қарорни ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

7.Ушбу қарорни тасдиқ Самарқанд вилоят ҳокимидан сўралсин.

Туман ҳокими



Б.Бабоназаров